

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 10
OCTOBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 10 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-10>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А.

– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Ходжаметова Гулчира Илишевна

– тарих фанлари номзоди, профессор

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мамадияров Дилшод Уралович

– иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тўраев Шавкат Нишоневич

– фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердиева Гулмира Аминовна

– тарих фанлари номзоди

Содиржонов Мухриддин Махамдаминович

– социология ф.б.ф.д (PhD)

Гаипов Жасур Бахром ўғли

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)

Сохибова Лола Жонибоевна

– фалсафа ф.б.ф.д (PhD)

Шарипов Дилшод Бахшиллович

– сиёсатшунос, эксперт

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ДЕХКАНОВ Наримон Бурханжанович

Наманган давлат университети

Сиёсий фанлар доктори, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10029579>

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚА ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ВИРТУАЛЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Халқ, жамоатчилик билан билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, сўзда эмас амалда халқ, оддий фуқаро ҳаёти, ташвишлари, орзу умидлари билан реал, мақсадли ва манзилли алоқа ўрнатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу – жамият сиёсий тизимининг ҳам такомиллашиб бораётганлигидан, ҳақиқий демократия принципларининг ҳаётда қарор топиб, мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолатдир. Тадқиқотимизнинг ушбу яқунловчи параграфида жамият ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар тажрибасидан келиб чиқиб, муҳим ижтимоий ҳодиса – жамоатчилик билан алоқа жараёнларининг ахборот-коммуникациялар ривожланишини ҳозирги босқичида виртуаллашув хусусиятлари, “Электрон ҳукумат” институтининг қарор топиши ҳодисасининг стратегик вазифа – сиёсий модернизация билан узвий боғлиқлиги, уни объектив равишда ахборот виртуаллашуви билан ўзаро алоқадорлиги хусусида тўхталамиз.

Калит сўзлар: Халқ, жамоатчилик, оддий фуқаро ҳаёти, давлат сиёсати, давлат сиёсатининг устувор йўналиши, ҳақиқий демократия, ҳақиқий демократия принциплари, жамоатчилик билан алоқа, ижтимоий ҳодиса, “Электрон ҳукумат”.

ПРОЦЕССОВ ПО СВЯЗЯМ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ ВОЗМОЖНОСТИ ВИРТУАЛИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ

Установление прочной связи с народом, общественностью, а не с так называемыми людьми де-факто, с жизнью обычного гражданина, установление реального, целенаправленного и адресного общения с заботами, мечтами, надеждами стало приоритетом государственной политики. Это признак того, что политическая система общества также совершенствуется, что принципы реальной демократии утверждаются и укрепляются в жизни. В этом заключительном абзаце нашего исследования мы подробно останавливаемся на опыте огромных изменений в жизни общества, обновлениях, развитии информации и коммуникаций, важных социальных явлениях – особенностях информационно-коммуникационных процессов на современном этапе виртуализации, неразрывной взаимосвязи феномена института принятия решений "электронного правительства" со стратегической задачей - политической модернизацией, его объективным взаимодействием с информационной виртуализацией.

Ключевые слова: люди, общественность, обычная гражданская жизнь, государственная политика, приоритет государственной политики, реальная демократия, принципы реальной демократии, связи с общественностью, социальный феномен, "электронное правительство".

OF PUBLIC RELATIONS PROCESSES VIRTUALIZATION FEATURES

ANNOTATION

Establishing a strong connection with the people, the public, not in so-called de facto people, the life of an ordinary citizen, the establishment of Real, purposeful and targeted communication with worries, dream hopes has become a priority of state policy. This is a sign that the political system of society is also improving, that the principles of real democracy are being decided and strengthened in life. In this closing paragraph of our study, we dwell on the experience of huge changes in the life of society, updates, the development of information and communications of important social phenomena – information and communication processes at the present stage of virtualization peculiarities, the inextricable relationship of the phenomenon of Decision-Making of the Institute of "e-government" with strategic task-political modernization, its objective interaction with information virtualization.

Keywords: people, public, ordinary citizen life, public policy, public policy priority, real democracy, principles of real democracy, public relations, social phenomenon, "e-government".

Бугун Ўзбекистонда давлат бошқарувидаги ислохотлар вектори ҳокимият ва халқ ўртасида алоқани мустаҳкамлашга қаратилган таниқли сиёсатшунос олим А. Мўминовнинг тўғри таъкидлашича, бугун Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари қадам ташламоқда [9, Б.164].

Ахборотлашган жамият борган сари эски қолипдаги нашрларни ортда қолдиради, айрим газета нашрлари электрон ахборот оқимидан ортда қолади, уларга эҳтиёж камаёди. Буни сезиш қийин эмас. Натижада расмий нашрлар адади кун сайин камаёди. Эски сиёсий тизимга хос бўлган аҳолини у ёки бу нашрга мажбуран обуна қилиш амалиёти бугунги ахборот асрида инсон, ахборот эркинлигига тажовуз, зўравонлик деб баҳоланади. 2020 йил 12 декабрида қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонун ўз мазмунига кўра аҳоли ахборот истеъмоли эркинлигини кафолатлайди.

Ғарб мамлакатларида жамият бошқарувини ахборотлаштиришда анча илгарилаб кетилди. Ўзбекистон халқаро интернет тизимида 1996 йилда уланди. Мазкур янгилик мамлакат оммавий ахборот тизимида муҳим ҳодиса бўлди. Халқимиз жаҳонда юз бераётган воқеалардан хабардорлиги ошди, интернетга қизиқиш кун сайин кучайиб борди. Бугун давлат ва жамият ҳаётини, уларни самарали бошқаришни интернет воситаларисиз мумкин эмас. 2020 йилга келиб мамлакатда бирор бир юридик шахс ва ташкилот йўқки, унинг интернетда ўзининг махсус веб сайти бўлмаса.

Ахборотлашган жамиятга ўтишда Ўзбекистонда сиёсий тизимдаги эски принциплар, қоида ва стереотиплар узоқ вақт тўсқинлик қилди. Буни яқин ўтмишдаги ҳолат билан танишиш янада яққол кўрсатади.

Таниқли олимларимиздан Ш.Мамадалиев тўғри таъкидлаганидек, “жамият ҳаётининг ривожига ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, бу борадаги қарашни билдириш учун кишидан мустақил фикр юритиш, ўрни келганда йўқни йўқ деб айтиш учун руҳан ва ақлан куч топиш талаб этилади” [8, Б.196].

Ўзбек олими С.Саидов шу ўринда PR технологиялар самарадорлигида ижтимоий капитал учун муҳим жиҳат – ишонч омилини эътиборга олиш кераклигини таъкидлайди [12, Б.142].

Ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Зеро, таниқли АҚШ социологи Ф. Фукуяманинг таъбирича, айнан ишонч (trust) давлат ва жамият манфаатлари уйғунлигига эришишнинг муҳим шартларидан биридир [14, Б.730].

АҚШ сиёсий технологларидан бири Т. Берцель сиёсий тармоқ концепцияси бугунги виртуал ахборот омалашаётган замонда ўзининг илмий ва амалий-тадбиқий аҳамиятга эга. Берцель “ижтимоий тармоқ” терминини истъомолга киритади [2, Б.253–273].

Бизнинг фикримизча, ушбу концепция истиқболдир. Гарчи, ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий маълумотлар ҳам учратилса-да, сиёсий тармоқ айнан сиёсий ғояларни жамоатчиликка етказиш каналидир. Бугунги глобаллашув шароитида сиёсий тармоқларни мониторинги давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади [10, Б.192].

Сиёсий тармоқ – сиёсий коммуникация воситаси бўлиб, бундай тармоқда сиёсий мазмундаги ахборот узатилади. Методологик жиҳатдан ёндашилганда, бугунги PR алоқа коммуникация жараёнлари кенг маънода давлат ва жамият, ҳокимият ва жамоатчилик ўзаро муносабатларини ифода этади. Бундай методология ўз вақтида Ғарбнинг буюк ва етакчи социолог олимларидан М. Вебер, Т. Персонс ва П. Сорокин каби олимлар томонидан шакллантирилган бўлиб, у сиёсий коммуникация жараёнини бирёклама таъсир деб тушунишга барҳам беришга кўмаклашди. Жамоатчилик билан алоқа жараёнини муайян тизим тарзида тушуниш XX аср биринчи ярмида, аниқроғи, биринчи жаҳон уруши даврида Г. Ласуэлл томонидан ишлаб чиқилган эди [1].

Ушбу ҳолат шундан далолат берадики, Ғарб социологиясида сиёсий коммуникация ҳодисасини илмий тадқиқ қилиш катта тарихий тажрибага таянади. Индивид ва шахс даражасида сиёсий таъсир этиш ҳодисаси Ж. Мавлоновнинг фикрича, ушбу ҳодиса дастлабки сайлов кампаниялари мисолида кўзга ташланган [12, Б.12].

XX аср иккинчи ярмидан сиёсий коммуникация жараёнларига компьютер технологияларининг жадал кириб келиши ушбу ҳодисани виртуал босқичга кўтарди. Бугун ҳатто рақамли ҳокимият ёки электрон ҳокимият ва бошқарув ҳодисаси ҳақида нафақат гапирилади, балки сиёсий бошқарув ва сиёсий коммуникация айнан шу усул ва восита орқали амалга оширилмоқда. Бу жараён жамият сиёсий тизимини ҳам тубдан ўзгаришига, виртуал характердаги алоқалар шаклланиши ва омалашувига олиб келмоқда.

Сиёсий PR коммуникатив алоқалар сифатида том маънода виртуал табиатдаги ахборот воситасида сиёсий ва ижтимоий тизимлар ўртасидаги коммуникация жараёнларини бошқариш демакдир. Буни бугунги жаҳон миқёсида сиёсий тартиботларнинг ўзгариши ҳодисасида кузатиш мумкин. Масалан, АҚШда 2020 йил 3 ноябрь сайлов жараёнлари, айни вақтда Грузияда сиёсий муҳолифат ва расмий ҳокимият ўртасида кузатилаётган низолар, Беларуссияда эса Лукашенко ҳукуматини қайта сайланишига олиб келган сайлов натижаларини бойкот қилиш ҳодисаларида кузатиш мумкин. Жамиятнинг сиёсий тизими ва унга асосланувчи сиёсий тартибот ҳам омманинг онги, кайфияти ва психологиясига монанд ўзгармаса, жамиятда беқарорлик ҳолатлари муқаррар юзага келишини юқорида эслатилган давлатлар тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Юқорида амалга оширилган контент таҳлил ва бошқа сиёсий усуллар ёрдамида олинган илмий натижалар шундан далолат берадики, сиёсий PRни самарали амалга ошириш учун шахс когнитив таркибини ўзгартиришгагина ҳаракат қилиш, ментал жараёнларга таъсир этмаслик уни бир таркибли масса деб қарашга олиб келади. Аслида ҳар бир шахс, фуқаро, сайловга ўзига хос бетакрор сиёсий ҳодисаларни идрок қилиш ва баҳолаш қобилиятга эга бўлиб, сиёсий қарор қилиш ҳам ўзига хос психологик мотивацияга асосланади.

Сиёсий менеджер олдида қўйган мақсадига эришиши учун шахс мотивацияси ҳодисасини англаб етиши ва шунга мувофиқ, инсон мотивация жараёнига таъсир этувчи конкрет қоидаларни ишлаб чиқиши керак бўлади. Тадқиқот фақат назарий эмас, балки амалий-тадбиқий характерда бўлганлиги учун бу масалани сиёсий манипуляция ҳодисасида кузатилади. Зеро, сайлов кампанияси, сиёсий етакчиларни танлаш сиёсий манипуляция усулларисиз мумкин эмас. Ушбу масала бугунги сиёсий фанда катта ўрин тутаяди [6].

Маълумки, инсон ҳар бир ташқи предмет ва ҳодисани дастлаб ҳиссий идрок қилади. Ҳиссий идрок, сезгилар тушунча ва тасаввурларнинг шаклланиши асосидир [5, Б.56]. Сиёсий PR ҳодисасида айнан ушбу жиҳат ҳисобга олинади, яъни инсон мотивацияси бошқарилади. Шуниси эътиборлики манипуляция жараёнида айнан мазкур жиҳат – инсон ахборотни ҳиссий идрок қилиш жараёнига таъсир кўрсатилиб, бошқарув объекти мақсадлари томон ҳиссий қабуллашга йўналтирилади.

Масалан, аҳоли ва сайловчиларни ёшлар қатлами билан учрашганда асосий мақсади яширилиб, ёшлар учун оммавий кумир, яъни улар севган эстрада кўшиқчиси ёки гуруҳ билан учрашув ваъда қилинади. Хуллас, сиёсий мақсад чиройли “қоғоз”га ўралади, истеъмолчи кўп ҳолларда мазмун-мазага эмас, дастлаб ташқи кўринишга, шаклга эътибор қаратиши ҳисобга олинади.

Бугунги реклама саноати кенг ривожланаётган ва ахборотларни виртуаллашгаётган даврда истеъмолчи онгини бошқариши, унинг онг остини забт этишга уриниши ҳар қандай рекламанинг мақсадидир. Мазкур ҳодисанинг сиёсий тизим модернизациясига қандай алоқаси бор, деган савол туғилади? “Сиёсий тизим” тушунчаси сиёсий фанда турлича таърифланади, ҳатто бу тўғрисида юзлаб таърифларни келтириш мумкин. Айримлар сиёсий тизим деганда давлат ва нодавлат институтларни сиёсий фаолиятини кўзда тутишса, айримлар эса сиёсий тизим деганда сиёсий тартибот, сиёсий партия, давлат бошқаруви, сиёсий онг ва сиёсий маданият мажмуасини назарда тутди. Масалан, А. В. Миронова сиёсий тизим деганда, турли ижтимоий низоларни легитимлик асосида ҳал қилувчи, жамиятда барқарор ривожланишни таъминловчи сиёсий механизм [11, Б.56] ни назарда тутди. Яна бир мутахассис Ф.М.Бурлацкий эса сиёсий тизим деганда, унинг марказий категорияси, яъни сиёсий маданиятга урғу беради [3, Б.12].

Бизни сиёсий тизимнинг хрестоматик таърифлари баёни қизиқтирмайди. Биз учун муҳим масала – сиёсий тизимнинг ахборот виртуаллашуви объектив жараёнига адаптацияси масаласидир. Сиёсий тизим статик, қотиб қолган, абадий ҳодиса эмас. Сиёсий тизим модернизациялашувга муҳтож. Буни сиёсий модернизация деб аталади. Ахборот виртуаллашуви замонида сиёсий тизим ҳам оммавий ахборот воситаларидан ўз легитим сиёсий тартиботини барқарор ривожланиши учун турли сиёсий технологиялардан фойдаланишга мажбур. Акс ҳолда сиёсий тизим, ушбу тизимдан ташқари турувчи сиёсий кучлар томонидан, айниқса геосиёсий акторлар томонидан парчаланиб юборилиши, турли “рангли инқилоблар”, таназзул ҳолатини келтириб чиқарувчи ижтимоий кескинлашув юзага келтиради. Мамлакат ва давлатнинг ижтимоий яхлитлиги ҳамда барқарор ривожланиш ахборот омилини ҳисобга олмасдан мумкин эмас. Қайси куч ахборот оқимини назорат қилса, уни ўз мақсадлари томон бура олса, у ҳукмрон кучга айланади. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, собиқ Иттифоқ давлатлари – Украина, Белорусия, Грузия ва Қирғизистонда юзага келган ижтимоий бўлинишлар, фуқаролар уруши ва ижтимоий низолар ортида ахборотлар таъсири турганлиги бугун сир эмас.

Бугунги медиа муҳитида у ёки бу давлатнинг халқаро майдондаги “имижи”ни шаклланишига ҳар бир фуқаро масъул ва жавобгар. Зеро, у ёки бу давлат ҳақида унинг фуқаросининг хулқ-атвори, фаолиятига асосланиб баҳо бериш анъанаси шаклланди. Мазкур масала илмий даражада тадқиқ ва таҳлил этилмоқда. Масалан, Орлов университети тадқиқотчиси Г. Гавриловнинг “Имиж странь как одна из пелей информационной войны” (“Мамлакат имижи ахборот уруши мақсадларидан бири сифатида”) [4] номли мақоласида ушбу масала илмий таҳлил қилинган. Мазкур муаллиф мамлакат имижини ташувчилар субъектига ушбу ҳудуднинг ўзида яшовчилар билан бир қаторда бу ҳудуддан ташқарида яшовчилар тоифасини ҳам киритади.

Дарҳақиқат, “Ўзбекистон” ҳақида хорижда фаолият кўрсатаётган юртдошимизнинг феъл-атвори, хулқига қараб баҳо берилмоқда.

Бугунги ташқи миграция тенденцияси кучаяётган, давлат томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётган шароитда фуқароларимизнинг Ватан, Ўзбекистон ҳақида ҳам ўйлаши, ватандошлари учун ҳам қайғуриши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун кишида фуқаролик онги шаклланган бўлиши керак. Фуқаролик юртдошларимизга автоматик тарзда берилади. Кимдир бу юксак номни англайди ва кимлардир буни англамайди. Аслида эса у ёки бу давлатнинг фуқароси мақомига эришиш ўта катта масъулиятни талаб қилади. АҚШга ўхшаб “грин карт” тизимини тадбиқ қилиш ҳам бир йўл. Бироқ ушбу тизим ҳам гарчи лоторея мазмунда бўлса ҳам аслида ўзига яраша талаб ва мезонларга асосланади. АҚШни тўлақонли фуқароси бўлиш учун у ерда камида 15 йил вақтинчалик мақомда яшаш керак бўлади.

Араб мамлакатларида эса (Саудия Арабистони, БАА, Ироқ, Кувайт ва ҳоказо) чет элдан келган мухожирларга умуман фуқаролик мақоми берилмайди. Фуқаролик қадрига етиш мамлакат аҳолисининг ҳар бир вакили учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг инсонпарварлик фаолияти сабабли кейинги йилларда 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон фуқароси мақоми берилди. Бу инсонлар кўзларида ёш, катта қувонч билан Ўзбекистон паспортини қабул қилдилар, узоқ кутган орзуларига етдилар. Бу – ҳазил гап эмас. Президентимизнинг ушбу қарорининг сиёсий аҳамиятини ҳар бир юртдошимиз яхши англамоғи ва баҳоламоғи керак. Масаланинг илмий ва сиёсий аҳамияти Россиянинг “Sputnik” халқаро агентлигининг Ўзбекистондаги муҳбири Дилшода Раҳматова томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон имижини қандай шакллантириш керак?” деган мақоласи мисолида яққол равшан бўлади. Муаллиф Ўзбекистон халқаро имижини яратиш учун нима ишлар қилиш кераклиги ҳақида қимматли фикрларини олға суради. Масала долзарб социологик ва демографик аҳамиятга эга эканлиги унинг мақола мазмунидан келиб чиқади.

Халқимиз янгилашиб бораётган Ўзбекистонни дарҳақиқат Учинчи Уйғониш, Ренессанс даврини бошидан кечираётганлигини ҳис қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари, виртуал олам Ўзбекистонда демократия принциплари тобора кенг қарор топаётганлигини куну-тун акс эттирмоқда, ахборот узатишда тезкорлик, ошқоралик ва реал воқеъеликни ахборот истеъмолчиларига ўз вақтида етказиш оммалашмоқда. Буни яна бир тасдиғи давлат ахборот каналларига нисбатан мустақил, нодавлат ахборот каналларининг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ушбу жиҳат PR технологияларига, сиёсий менежмент ва сиёсий рекламаларга бўлган талабни ва эҳтиёжни янада оширмоқда, жаҳон медиа маконида Ўзбекистон ўз бетакрор демократик имижига эга бўлмоқда.

Хорижий мамлакатлар медиасида Ўзбекистон имижига нисбатан муносабатлар ўзгариб бормоқда. Бунда нуфузли халқаро ташкилотлар улуши каттадир. Масалан, “The world Happiness Report” ташкилотининг йиллик ҳисоботида кўра, мамлакатимиз 2018 йилда МДҲ давлатларини ортда қолдириб, дунёнинг энг бахтли мамлакатлари рейтингда 41-ўринни эгаллади. 2017 йили Ўзбекистон ушбу рейтингда 47-ўринда эди. Бир йил ичида 6 поғонага ўсиш кузатилган. Ушбу кўрсаткичлар далолат берадики, Ўзбекистон бошлаган демократик ислохотлар, сиёсий тизимни модернизациялаштириш, халқ билан давлат манфаатлари уйғунлигига қаратилган ҳукуватимиз томонидан изчил равишда олиб борилаётган сиёсат бардавом бўлади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Lasswell H. Propogenda Techniques in the World war. – London: Kegan Paul, 1927.
2. Tanja A. Borzel. Organizing Babylon. – On the different Conception of Policy Network / Public Administration. – 1998. – Pp. 253–273.
3. Бурлацкий Ф. М. Политическая система общества: понятие и элементы. Политическая система современности. – М.: Политиздат, 1978. – С. 12.
4. Гаврилов Г. Имидж странь как одна из пелей информационной войны. Электронный ракурс. <http://moluch.ru/conf/phil/archive/25/1264/>.
5. Доценко Е. Л. Психология манипуляции. – М.: ЧеРо, 1997. – С. 56.
6. Куладзе А. М. Большая манипулятивная игра. – М.: Альгоритм, 2014. – 336 p; Agranoff R. The management of Election Compains. – Boston: Holbrook Press, 2014. – 144 p; Cook T. Governing with the news: the news media as apolitical institution. Chicago University of Chicago Press. 2008. – 328 p.
7. Мавлонов Ж. Коммуникативная основе деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2018. – С. 12.
8. Мамадалиев Ш. О. Халқ ҳокимияти. – Тошкент, 2003. – 196 б.
9. Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2013. – 164 б.
10. Мурадова Ш. Проблема обеспечения информационно безопасности Республики Узбекистан в условиях глобализации. – Ташкент: Шарқ, 2008. – 192 с.
11. Политология. Курс лекций / Под. ред. А. В. Миронова. – М.: Соц. полит. журнал. 1993. – С. 56.
12. Саидов С. Ижтимоий капитал – фуқаролик жамиятининг муҳим омили. – Тошкент, 2019. – 142 б.
13. Фукуяма Ф. Доверие: добродетели и путь к процветанию. – М.: АСТ, 2008. – 730 с.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz